

# ЗИЁ НАШМАСИ

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 9-10 (204-205) . 2012 YIL, OKTYABR, NOYABR ISSN-2010-9393 1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN



## Фурур ва фахримиз тимсоли

Озод ва обод Ватанимиз – Ўзбекистоннинг байроғи бизни улуф мақсадлар томон бошловчи буюк машъаладир. Байроғимиздаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлиб, миллатимиз буюк ўтмишини, ҳалқимизнинг юксак маънавий қиёфасини акс эттиради. Масалан, мовий ранг мусаффо осмон ва обиҳаёт рамзи бўлиб, яхшилик, донишмандлик, ҳалоллик, шон-шуҳрат, садоқат ва юртимизда ҳукм суроётган тинчлик, барқарорликни намоён этса, оқ ранг азалдан поклик, беғуборликни ифодалаб келган. Яшил ранг яшариш ва янгилиниш, шу билан бирга она табиатимиз тимсолидир. Янги чиқиб келаётган ой ва ўн икки юлдуз ҳам Шарқда қадимдан мукаммалликни, комилликни англаради.

Миллий байроғимиз давлат идора ва муассасалари, ўкув юртлари, ҳалқаро ташкилотлар, эл-чихоналари-

миз пештоқларида хилпираф турибди. Айниқса ҳалқаро спорт мусобақаларида галаба қозонган спортчиларимиз шарафига юртимиз байроғи кўтарилиган чоғда ҳар биримиз чексиз ҳаяжонга тушамиз, қалбларимиз фурур ва ифтихорга тўлади. Мен оддий бир спортчи сифатида ана шундай лаҳзаларни бир умрга унтурмайман. Келажакда шогирдларимни ҳам ана шу бетакрор маънавий қадрият руҳида тарбиялашга, уларнинг қалбидаги юртга муҳабат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлашга сўз бераман. Ўзбекистонимиз байроғи бошқа рамзларимиз қатори порлоқ келаҗагимиз учун катта ишонч тимсолидир.

**Ирода МАТМУРОДОВА,  
Жисмоний тарбия ва  
жимоний маданият  
йўналиши талабаси,  
дзюдо бўйича  
Ўзбекистон чемпиони**

### МАЪНАВИЙ БОЙЦИК – ОБОД ТУРМУШ

Биз маънавият ва унинг ҳамияти, ҳийтимиздаги роли ҳакида кўплаб эшитамиш ва галирамиз. Ҳусусан, маънавият тушучаси ҳакида кўплаб тэтириф ва тасаваурларга дуч келамиш. Умуман олганда, бу тушучча жуда сермазмун кўп киррали тушунчадир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1991 йил 18 ноября «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унда миллий байроғимиз мамлакатимиз суверенитетининг рамзи экани белгилаб қўйилди.

залигимизни намоён қилишга бевосита хизмат қиласиди. Маънавиятсиз инсон – хеч қачон ўзлигини англай олмайди, тарихини, бугуни ва келажагини тасаввур кила олмайди.

Узоқ тарихимиздан маълумки, ҳалқимиз ҳар доим, ҳамма вакт маънавий етуклик, маънавий баркамоллик туйғуси ва шиҷоати билан яшаган ва бу буюк хиссият уларнинг ҳаёти ва турмуш тарзида асрлар оша ҳар доимгидан ҳам ўсиб, ривожланиб, юксалик бораверган.

Ҳалқимизнинг маънавияти шундай бир кудратки, ундан ҳар бир киши маънан куч-куват, илҳом олади.

Ўзининг буюк ва машакқатли ишларга қодир эканини ҳар қачонгидан ҳам бажаришга қалбан ва руҳан ҳис этади ва унга тайёр бўлади.

Хуласа киладиган бўлсан, буюк тарихга, умрбояй, юксак қадриятларга эга бўлган ҳалқимизнинг маънавий маданиятини ҳар қачонгидан ҳам асрлаб авайлашимиз, уни ривожланишига ва юксалишига, ўсиб келаетган авлодларимиз онгига ана шундай қадриятларни жойлаштиришга ҳар биримиз масъулмиз.

Биз ҳам ана шундай юксак маънавиятли, баркамол авлод бўлишга ҳаракат қиласилек.

**Илес АТАБЕКОВ,  
Мехнат таълими  
йўналиши талабаси**

## Маънавият миллат кўзгуси

Шу нуқтаи назардан шундай мантиқий фикрларни эшитиб, биз ёшларнинг ҳам тафаккурида маълум бир тушунча пайдо бўлади. Маънавият – кенг қамровли аниқ бир тушунча бўлиб, инсоннинг барча маънавий, ахлоқий томонларини курсатувчи, уни ҳар доим етукликка, баркамоликка, комиликка элтувчи, ва албатта, ана шундай жиҳати билан бошқа инсонлардан, жонзотлардан фарқланниб турвчи буюк куч ва салоҳиятдир.

Муҳтарам юртбошимиз И. Каримовнинг «Маънавият инсонга она сути, ота намунаси ва аждодлар ўғити билан сингади», ёки бўлмаса, «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улгайишга чорлайдиган одамнинг ички дунёси, иродасини бакувват, имон-эътиқодини бутун қиласидиган, вижданони уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир» деган назарий қарашларига таянишимиз лозим.

Ҳақиқатдан ҳам, маънавиятли инсон деб сахиблик, ватан-

га содиқлик, ҳалоллик ва бошқа эзгу амалларни ўзининг чинакам олий бир мақсади деб қарайдиган ва шу мақсад йўлида инсонларни қалбан ва руҳан жалб қила оладиган етук инсонларни бараладиган айтишимиз мумкин. Зоро, маънавияти бакувват, иродаси бутун, ватанга содик қишилар жамият, миллат ва ҳалқнинг маънавиятини шакллантиришда, уни салоҳиятини тобора юксак даражага кўтаришда энг муҳим кишилар ҳисобланади.

Албатта дунёда глобаллашув жаҳаени кенг тус олаётган бир пайтда биз ўзлигимизни, миллийлигимизни йўқотмаган ҳолда ана шундай етуклик ва баркамолликка интилишимиз зарур. Оддийгина қилиб айтганда, бизнинг одоб-ахлоқимиз, билимимиз, истеъододимиз, кобилиятилиз, ватанга содиқлигимиз маънавиятли инсон бўлиб етишишимизга асосий мезонидир, десам адашмаган бўламан.

Зоро, маънавият-инсоний гў-

УШБУ СОНДА:

**2-бет**  
**КОНСТИТУЦИЯ**  
– ҳуқуқимиз  
кағоламидир

**Оила  
маънавият  
бешинадир**

**3-бет**

**4-бет**  
**Озон қатлами  
ва инсоният**

...«Озон туйнуги» нафакат Антарктида ва Жанубий Америка, балки, ахоли зич яшайдиган Шимолий Америка. Осиме ва Европа осмонида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

**5-бет**  
...адабиётшунос олим, Ўзбекистон  
Ўзбекистон Фан ароби, Беруний номидаги  
Республика давлат мукофоти лауреати,  
филология фанлари доктори,  
профессор Наим Каримов  
саксон ёшга тулди.

**6-бет**  
**Адабиётча  
бажшида умр**

**Адабиёрлар  
маданият  
зиддири**

**6-бет**

Каллимаҳ ниҳоятда сермасхул  
ёзувчи бўлган: қадимигилар бу ширининг саккиз юздан ортиқ илмий ва бадиий асрлар ёзганлариги ҳакида маълумот берадилар.

Ислоҳотлар самараси. Буни ҳамма билиши керак!

# Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — барқарор ривожланиш омили

2012 йилнинг 9 ой якунларига кўра, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8.2 фоизни ташкил этди. “Ялпи ички маҳсулот” деган тушунча қандай маънони англатади? Бу тушунча Иқтисодиёт назарияси фанидан Забоскич талабаларига маълум бўлсада, кўпчиликни қизиқтириши тайин.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” да изоҳ берилишича, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) — мамлакат иқтисодий фаолиятининг муайян давр давомидаги умумий натижаларини тавсифлайдиган кўрсаткич. Бошқача айтганда, ЯИМ мамлакат ҳудудида жойлашган барча корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматларнинг бозор қийматидаги ифодаси бўлиб, унинг миқдори миллий ҳисоблар тизими асосида ҳисоблаб чиқлади.

2003 йил натижаларини олиб кўрайлил. Ўша йили Республика маддаси амалдаги нархларда **9964.1 миллиард сўмлик**, яъни 2002 йилдагига нисбатан 4.4 фоиз кўп ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилган. Унинг 48.5 фоизи товарлар ишлаб чиқаришга (шу жумладан, 15 фоизи саноатга, 28.8 фоизи қишлоқ хўжалигига, 4.5 фоизи курилишга), 38.1 фоизи хизмат кўрсатишга (8.5 фоизи транспорт ва алоқа, 9.4 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 20.2 фоизи бозор ва нобозор хизматларига) ҳамда

13.4 фоизи маҳсулот ва экспорт-импорт операцияларининг соғсолик-



ларига тўғри келган.

Бундан маълумки, ЯИМ тармоқ тузилмасининг ўсиш суръати натижалари ҳисобидан яратиласди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг тўқиз оидаги ҳолат — иқтисодиёт тармоқларида эришилган кўрсаткичларни таҳлил қилсан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7.2 фоизга ўсганини кўрамиз.

Саноат — иқтисодиётнинг асосий бўғини, етакчи тармоғи ҳисобланади. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йилларида саноатни ривожлантириш, унинг салоҳиятини юксалтириш ва ракобатдошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мавжуд корхоналар мөдернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгиланмоқда. янги кувватлар ишга туширилмоқда.

Ўтган даврда республика мазмуда инвестиция дастурла-

ри доирасида 882 та янги ишлаб чиқариш обьекти фойдаланишга топширилгани, 106 та инвестиция лоийхасини амалга ошириш туглаланиб, 18.4 мингта янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилга-

ни ана шундан далолат беради. Натижада истемол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 7.5 фоизга кўпайди, маҳаллийлаштирилган маҳсулот тайёрлаш ҳажми 25.2 фоизга ўсиб, 6.2 трлн сўмни ташкил қилди, улардан қарийиб 840 миллион АҚШ доллари миқдорида ги маҳсулот экспортга жўнатилди. Энг муҳими, ҳисобот даврида тизимли ва аниқ максадга йўналтирилган чоратадбирларнинг амалга оширилиши туфайли республика мазмуда **773 мингта янги иш ўрни яратилган** бўлса, уларнинг 486 мингтадан кўпроғи ёки **62.9 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келади**.

Иқтисодиётимизнинг яна бир муҳим тармоғи — **қишлоқ хўжалигига** кўлга киритилган ютуқ ва мэрралар ҳам салмоқлидир. Ҳусусан, январ-сентябр ойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 7.1 фоизга ўсиб, салкам **7.2 миллион тонна** бошоқли дон ҳосили ва **3.4 миллион тонна** пахта хом

ашёси йигиштириб олинди.

Шу билан бирга жорий йилнинг тўқиз оий мобайнида қурилиш ишлари ҳажми **9.8 фоизга**, чакана товар айланмаси ҳажми **13.8 фоизга** кўпайгани ҳамда ЯИМнинг юкори даражада ўсишини таъминлаганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Тахлилий маълумотлардан кўриниб турибди, республикамиз иқтисодиётининг барча тармоқлари юкори суръатларда ривожланмоқда.

Ушбу жараён билан танишиш борасида унинг асосли замини ҳам борлигига яна бир карра амин бўламиз. Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ҳаммага маълум беш тамоилга асосланган мамлакатни ислоҳ килиш ҳамда мөдернизациялашнинг “Ўзбек моделини” кўзлаб амалга оширилаётгани, шунингдек, республика ҳукуматининг 2012 йил 19 январдаги мажлисида белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифаларининг ижроси самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазиригининг 2012 йил 1 ноябрдаги 424 -сонли “**Олий таълим муассасаларида маҳсус курс ўқитишини ташкил этиш тўғрисида**” ги бўйруғи ижросини институтда таъминлаш мақсадида институт ректорининг 390 А -сонли бўйруғи биноан бакалавриат ва магистратура босқичларининг барча таълим йўналишлари ва мутахассисликларида Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистонда ижтимоий


иқтисодий сиёсатни амалга ошириша кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ахамияти” маърузаси бўйича б соатлик маҳсус курс ташкил этилди ва машгулотларни ўтишга “Иқтисодий билим асослари” кафедрасининг маҳсус тайёргарликка эга бўлган профессор-ўқитувчилари жалб этилди.

Шунингдек, курсни ўқитиш жараёнда янги педагогик технология ва мультимедия воситаларидан фойдаланиб, талабаларнинг ёш ва тил хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, уларнинг мустақил фикрларни шакллантириш ҳамда курс-ни тўлақонли ўзлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Гурухларда ўтиладиган мулоқот соатларида республика мазмуда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига бағишиланган давра сухбатлари ташкил этилди. Маҳсус курс талабаларда катта қизиқиши ўйғотиб, яхши ўзлаштирилди.

Ўзбекистон жаҳонда давом этаётган глобал молиявий инқирознинг салбий таъсирларига ишончли равишда қарши туриб, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг юкори суръатларини таъминлаётган саноқли давлатлардан бири сифатида ҳалқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Сабаби, кейинги йилларда юртимизда барча соҳаларда барқарорлик кузатилиб, аҳолининг турмуш даражаси тобора фаровонлашиб бораётти. Бу эса бош милий формиз мазмун ва моҳияти ҳамоҳангидир.

Шамсиддин ХИДИРОВ, Иқтисодий билим асослари кафедраси доценти, Азамат УСМОНОВ, ўқитувчи



## Юбилияримиз

**Таниқли адабиётшунос олим, Ҳалқаро Аҳмад Яссавий мукофоти лауреати, “Дўстлик” ордени совриндори, Мехнат фахрийси, Республика Ҳалқ таълими аълочиси Олимжон Жўраев табаррук етмис ёшга тўлди.**

Устоз 1939 йили Самарқанд вилояти Фаллаорол тумани (ҳозирги Жиззах вилояти Бахмал тумани)даги Барлос қишлоғида зиёли оиласда таваллуд топган. 1968 йили Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат Дорулфуннининг ўзбек филологияси факультетиним имтиёзли тугатиб, 1968-1974 йилларда Самарқанд Давлат педагогика институтидаги турли лавозимларда ишлаган ва ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда, 1974 йили “Ўзбек классик адабиётидаги фалсафий-таълимий достончилик ва унинг тараккиётидаги Алишер Навоийнинг роли ва ўрни” мавзууда Беруний мукофоти лауреати, профессор Ҳамид Сулаймон раҳбарлигидаги номзодлик дисертациясини ҳимоя қилди.

1974 йил Абдулла Кодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиётни фокультетига декан ўринбосари, сўнгра кафедра мудири, декан, кечки ва сиртқи бўлим бўйича ректор ўринбосари, талабалар

илмий жамияти раиси, институт “Зиё чашмаси” газетаси асосчиси ва бош муҳаррири, ҳозирда эса ўзбек адабиётни ва уни ўқитиш услубияти кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Устоз ўқув-тарбиявий ишлар билан бирга ўзбек адабиётига оид турли долзарб масалалар бўйича рисола, монографиялар ёзган ва улар нашр қилинган. Жумладан, “Ўзбек классик адабиётидаги фалсафий-дидактик достончилик тарихидан”(1974), “Ўзбек классик адабиётидаги фалсафий дидактик достончилар”(1985), “Мажозий-дидактик талқинлар”(1989), “Алишер Навоийнинг эпик поэзиядаги туркийгўй салафи”(1990), “Маънисига етгандар ерга кўяр буркини”, “Амир Темур тузуклари”да кўръон оятлари ва инсоний қадрлар”, “Маммун Академияси юлдузлари”, “Авлодлар нидоси” сингари. Булар ўтмиш адабиётининг ўта муҳим мавзууларига бағишиланганлиги билан қимматлидир.

Жонкуяр, мумтоз адабиётининг фи-

дойиси Олимжон Жўраев 20 дан ортиқ қадимий қўлёзмаларни топиб, тинимсиз изланишлар олиб бориб, уларни ҳалқ маънавий мулкига айланнишига катта ҳисса

төн Республикаси Журналистлар ўюшмаси аъзоси, шунингдек ўтган давр мобайнида институтда “Зиё чашмаси” газетасининг муҳаррири, ҳозирда адабиётшунос олимдир. Ҳусусан, Абулқосим Муҳаммад Расул, Ҳўжабек Турсун, Зулфия Бўриева, Ойдин Донишиша, Сайёра Мамадиева, Зебинисо Лапасова, Омнурло Бойжигитов, Зўхра Мамадалиева ва бошқа ўнлаб ижодкорларни кашф этиди.

Фидой олим озарбайжон, туркман, козок, қорақалпок, тоҷик ва бошқа ҳалқлар адабиётни вакиллари ижодидан кисса, ҳикоя, достон ва шеърларини таржима қилган, шунингдек ўзи ҳам шеърлар ёзган. 2001 йил унинг “Муқаддас юртим, тупроғингда қолсин изларим!” тўплами нашр этилди.

Олимнинг илм-ған, олий таълим ривожи, етук адабиётшунос кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматларни муносиб тақдирланиб, 1980 йилда унга “Республика Ҳалқ таълими аълочиси” юксак узвони берилган. Шунингдек, унга “Мехнат фахрийси” медали (1991 йил), “Дўстлик” ордени (1995), адабий меросимиз ва адабий алоқаларимизни ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида кўп йиллик хизматларини ҳисобга олиб, “Ҳалқаро Аҳмад Яссавий мукофоти” лауреати (1996 йил) берилди.

Забардаст, бағрикенг, меҳрибон устоз, самимий, дилқаш, хоксор инсон Олимжон Жўраевни табаррук етмиш ёши билан муборакбод этамиз, адабиётшунослик илмини янгидан-янги тадқикотлар билан бойитишини тилаб қоламиз.

Нодира Соатова, Филология фанлари номзоди

## Элга зиё таратган олим

қўшди. Булар “Киссайи Зуфунун”, “Киссайи Заркум”, “Киссайи Рабғузий” “Кадимги Афанди латифалари”, “Донишманд малика ва унинг минг бир саволи”, “Гулшан ул асрор”(Хайдар Хоразмий), “Зайн ул Аъраб”, “Бобо Равшан”(Андалиб), “Ахтамнома”(Сайқалий), “Мавлуд-ан-Набий” (Хилватий), “Нурнома”, “Киссайи Биби Сесанба”, “Киссайи мушкул күшод” кабилар бўлиб, улар “Ўзбек адабиётни масалалари”, “Ўзбек адабиётни бўстони”, “Асрлар нидоси”, “Муборак мактублар” каби тўпламларда нашр этилган.

Захматкаш олимнинг 400 га яқин илмий-публицистик мақолалари “Шарқ юлдизи”, “Ўзбек тили ва адабиёт”, “Гулистан”, “Фан ва турмуш”, “Сирли олам”, “Адабиёт кўзгуси”, “Адабий мерос” журнallари, “Ўзбекистон адабиётни ва санъати”, “Маврифат”, “Қалб кўзгуси”, “Соҳибқирон юлдузи”, “Ишонч”, “Зарафшон”, “Хоразм ҳақиқати”, “Жиззах ҳақиқати” “Жиззах овози” каби газеталарда чоп килинган.

Олимжон Жўраевнинг ўзига хос яна

униб-ўсишига, ёзувчи ёки шоир сифатида шакланишига, Жиззах адабий музхитининг камол топишига яқиндан ёрдам берганлигига кўринади. Устоз ўзбекис-

## Юксак маънавият – сенчимас куч

Инсоният яралиди, тараккиётга интилиб яшаб келмокда. Жамиятда ҳар бир инсон ўз ўрнига эга бўлишга киришади. Бунда унга атрофдаги турли турткilar сабаб бўлади. Шундай турткilarдан бири бу оиласидир.

Ўзбек халқи жаҳон цивилизацииси ўқкларидан бири бўлган ўз миллий анъаналарига содик ҳалқидир. Биз ўзбекмиз: шу ҳалқинг фарзанди ва келажаги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил 23 апрелда "Маънавият ва маърифат марказини ташкил этиш тўғрисида"ги, 1996 йил 9-сентябрда "Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги фармонлари шўру тузуми даврида унтилиб кетган миллий ва маънавий меросимиз, қадриятларимизнинг тикланишига туртки бўлган бўлса, 2012 йил "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши оиласидан жамиятдаги устивор вазифаларини белгилаб берди. Шундай вазифалардан бири-бу ватанимиз келажаги бўлган ёшларни маънан етук ва баркамол қилиб ватанга мухаббат, юрга садоқат руҳида тарбиялашдир. Оиласидаги мухитнинг яхшилиги эзгу гоялар асосида тарақкийлашиши, оила бағрида ўсаётган полапоннинг келажакда қанотини кенг ёзib учшига, юксак чўққиларни забт этишига олиб келади. Аксинча, оиласида гоявий бўшлиқ юзага келиши маънавий қашшоқликка олиб келади. Алломаларимиз тарбияни она корниданоқ бошламоқ керак деб бежизга айтма-

ган. Жамиятнинг бир бўғини бўлган оиласида инсон шаклланар экан, унда олган тарбияси, аҳлоқ,

ўқитишлари мумкин бўлади. Тажрибали инсонларнинг фикрига кўра никоҳ ёши қизларда 22-23 ёш, йигитларда эса 24-25 ёш бўлгани маъкул. Бунинг 2 хил сабаби бор. Биринчи си иктиносидий, иккинчиши маънавий.

Айнан шу ёшда йигит ва қизлар ўзларини иктиносидий томонлама ва таъминлаш учун етарли куч-тагратга, ақлзаковатга эга бўладилар. Бу эса оиласидаги бюджетни тўлдириб туришида кўл келади. Натижада ёш оила хаёт қийинчиликларининг маълум бир қисмини енгиги таддиги. Бундан ташкил оила бюджетида маънавий бойлик ҳам бўлиши зарур. Хозирги кунда инсонлар бирбирига курол ўқталиб урушмайдилар. Улар урушнинг янги усулини ўйлаб топишган, янни мағкурулар уруши. Юкорида айттильган ёшдаги йигит ва қизлар олий ўкув юртларга кирган ёки кирадиган ёшда. Ҳеч бўлмагандан коллеж ёки академик лицейларни битирган бўладилар.

Бугунги кунда устозларимизнинг юксак билим ва салоҳиятига тан бермай иложимиз йўқ. Улар мактаб, коллеж, қолаверса олий ўкув юртларидан ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга хисса қўшиб, ватан равнақи йўлида олга қадам ташлашга ўргатмокдалар.

Айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари эвазига ёш оиласидаги мустаҳкам бўлиб, баркамол авлодни тарбияламоқда.

Оила – муқаддас тушунча. Уни бир дарахтга ўҳшатиш мумкин. Унга эътибор билан қараб тўғри ўстирилса, келажакда ўз мевасини беради ва шу меваларни ҳам зэгулик деб аталашиб озукаси билан озиқлантириб боради. Оила шундай масканки, у бутун хаётда олган таълим-тарбиясини қўшик қилиб ёш авлодни аллалайди. Ҳа, биз айттаётган оила маънавиятининг бешигидир.

Жамшид АРИПОВ,  
Мехнат таълими  
йўналиши талабаси

## Ибрам Ўқитувчи сртидан

Хозирги кунда тадбиркор ва ишбайлармон аёлларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Кайси соҳага

қараманг аёлларимиз ҳар ишда ўзининг маҳорати ва жасорати билан яққол кўзга ташланиб турибди. Ана шундай аёллардан бири бизнинг Бошлангич педагогикини факультетида фаолият кўрсатаетган, жонкуяр, ижодкор устозларимдан бири Шукурова Халима Суннатуллаевна бўладилар. Устозимизнинг бизга бераётган таълим-тарбияси, мулойимлик билан гапириши, дарс жараёни эса қизиқарли олиб борилиши, хусниҳат фанининг сирасорларини бизга ўргатиши келажакда етук мутахассислар бўлиб етишимизга замин яратиб бормоқда.

Мен илк бор институт остонасига қадам кўяр эканман, илк бор бизга дарс ўтган, ўзининг ширинсуханлиги билан яққол ажралиб турадиган устозимиз Халима опага кўзим тушди. У дарс хонасига бошлаб келди. Гуруҳимиз билан биргалиқда хусниҳат ва уни ўқитиш методикасини илк бор ўтдик. Ўшанда бизга хусниҳат фани ҳаётимиз давомида керак булиши ҳақида тушунириш билан бирга хусниҳат фанини барча фанлардан юкори туришини, қаерга иш сўраб бормайлик хусниҳатимиз чиройли бўлишини таъкидлаб ўтдилар. Устозимиз дарс жараёнида нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида маслаҳатлари ҳамда таълим бериш жараёнида ўқувчиларни ижобий гояларни сингдириб бориш кераклиги ҳақида тушунириб ўтади. Мени бу соҳа шу даражада ўзига жалб қилиб кўйдикни, ҳатто ўзим ҳам қайтадан ёш бола бўлиб алифбени ўргангим келди.

Мен ўшанда шу соҳани танлаб адашмаганинг англа бўлган етдим. Чунки ҳар бир соҳанинг ўзига яраша машакқати, захмати, қийинчиликлари, ютуғи бор бўлганидек педагогиканинг ҳам ютуғи ва захматлари бор.

Биз ёшлар устозларимизнинг изидан бориб, улардек моҳир, талабчан, етук авлодларни тарбиялаймиз ва уларни бизга берган таълим-тарбиясини албатта оқлаймиз деб ваъда бераман.

Келажакда албатта Халима опа сингари етук, ширинсухан педагог бўламан деб ўз олдимга мақсад қилиб кўйдим. Бу мақсадларни амалга оширишим учун тинмай изланишим, ўқишим ҳамда устозларимнинг кўмаги керак бўлади. Мен етук баркамол авлодни тарбиялайман деб устозларим олдида ваъда бераман.

Умиди ЭРГАШЕВА,  
Бошлангич таълим ва  
СТИ йўналиши талабаси

Тақвим ҳижрон учун

## Маънавиятнинг муқаддаслигини үнутмайлик

Ўзбекистон деган мустақил буюк давлатда яшар эканмиз, бу билан биз ёшлар фахрлансак арзиди. Чунки, мустақилларни эришганимиздан кейин барча соҳаларда ёшлар учун жуда кўпдан-кўп имкониятлар юзага келди. Бобоқалонларимизнинг колдирган мерослари қайта тикланди. Ёшлар учун шунча имкониятлар бор экан, бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўқиб ўрганишимиз, маънавиятни чукур аংглашимиз зарур деб биламан.

Президентимиз И.Каримов ўзининг асарларида шундай ёзиди: "Маънавият тақдирнинг эхсони эмас-маънавият инсон қалбida камол топшиши учун узланбап ва вижданан, ақл ва кўл билан меҳнат қилиши керак". Бу гаплар бежизга айтилмаган. Юксак маънавиятини инсон ҳеч қачон, қандай касб эгаси бўлишидан катъий назар, йўлда қоқилмайди. Шу ўринда биз бўлажам педагоглар маънавиятни муқаддаслигини унумаслигимиз, ёш авлодни маънавиятини қилиб тарбиялаш учун харакат қильмогимиз лозим.

Хозирги кунда мактаб муассасаларидаги ёшларимизнинг маънавий қарашларида айрим камчиликлар йўқ эмас. Айниқса ёшларимизнинг тамаки чекиши, спиртил исимликлардан истевмол қилиш, уяли алоқа телефонлардан бемаксад фойдаланиш

каби заарли одатларига ружу кўйши ачинарли ҳол албатта. Телефон аппаратларидан фойдаланиш болани дарсга лоқайдигига олиб келади. Шунинг учун ёшларга тўғри таълим-тарбия беришимиз, ҳар хил заарли нарсаларга берилишининг олдини олишимиз, бунинг учун болалар ота-оналари билан доимо алоқада бўлишимиз, улар билан мунтазам ҳамкорликда иш олиб боришимиз керак. Шундагина юксак маънавиятни шакллантиришдек муқаддас ишга хиссамизни кўшган бўламиз. Шундагина ўз ватанимизнинг янада юксалиши, буюк давлат бўлишига оз бўлсада хиссамизни кўшган бўламиз, деб ўйлайман.

Шерали ҚОБИЛОВ,  
Мехнат таълими  
йўналиши талабаси

1 ДЕКАБРЬ – ХАЛКАРО ОИТСГА КАРШИ КУРАШ КУНИ

## Софлом турмуш тарзи тарафдоримиз!

Педагогика – психология факультети талабалари иштирокида вилоят ОИТСга қарши кураш маркази билан ҳамкорликда 1 декабрь – Халқаро ОИТСга қарши кураш кунига багишлаб тадбир ўқазилди.

Сўзга чиқсан профессор-ўқитувчилар, талабалар, вилоят ОИТСга қарши кураш маркази ташкилий бўлими мудири Ф.Алимкулов соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий қадриятларимиз, айниқса тозаликка ундовчи бётакфор урф-одатларимиз, қадриятларимиз ҳақида таддигилар.


Талаба ёшларимиз олдида турган асосий вазифа эса аввало тиббий маданият қоидларига ўзлари амал қўлган ҳолда бошқаларни ҳам соғлом турмуш тарзига даъват этишдир. Тўғри овқатланиш, заарли одатлардан сакланиш, иҷиличибозлик, қашандалиқ қарши кураш, мунтазам фойдаланиш мөнгиста таълим-тарбиянига олиб келади. Ҳа, биз айттаётган оила маънавиятининг бешигидир.

Китобхонга сўз керак, китобхонни алдашга уринган ёзувчи аввало ўзини алдаган бўлади. (Лукмон Бўрихон)

тизилган жадвал,  
Қатма-қат ўйилиб  
борар сенсиз кун.  
Билмадим ким эдим  
севмасдан аввал,  
Одамга айландим,  
муҳаббатдан сўнг.  
Шेър мағзини чакиши  
уринганимда хиҳрон-

ни ишлатинг, аммо ок нарсани қора деб тасвирламанг... деб ёзиди. Тўғриси, бу адабнинг китобларини ўқиб ўз китоб жавонимда шахсий китобларим бўлишини ният килдим.

Китоб билан дардкаш,



Китоб бу – қалб таржимони. Кўнгилга кўл, эзгуликка йўл соладиган, баъзан койиб тургувчи, ҳаёт сирин билгувчи, мўъжизали ё билмам, энг яхши дўст дугонам. Китобхон, буғун сени мадҳ этишга шайланаман, сенинг гўзал боғинг аро айланаман. Баъзида ижодкор қалбida ботмондай занглаб ётган дардларини яширишга уринади, аммо шаддод қаламjon барчасини ошкор қилиб кўйяди. Ҳа, ёзувчи, шоирлар табиатан кўрганини, ички кечинмаларини, дардларини ва шу билан бирга билганини ёзади. Баъзан китобхон кўнгилга дардкаш бўлиб кира олиши балки шундандир.

Ижодкор ахли ҳақида гап кетганда менинг кўпроқ ёш шоир Носиржон Жўраевнинг ижодкори кизиқтиради.

Тақвим ҳижрон учун

даги ошикнинг маъшукасиз чекаётган азобларини хис килгандай бўлдим гўё... Нафакат бу парча, балки яна баъзи шеърларининг мазмуни ҳам менинг ҳаёлот оламимни аллалаётгандек. Бир куни таникли шоирларимиз Турсуной Содиковнинг "Сўз сеҳри" деган китобини дўкондан сотиб олдим. Шоирларимизнинг бу китоби ҳаётимда катта аҳамият касб этди. Айниқса шоирнинг менга ёқкан мисраси "Сиз аввал ўзингизни эмас, сўзингизни кийинтиринг, сиз айтган гаплардан одамларнинг кулоғи оғринмасин, хаводек шимирсинглар, энг яхши гулни хидлагандек бўлсин, яхшилиги йўлида ёлғон-

ҳамсұхбат бўлиш керак. Бир сўз билан айтганда китоб бебаҳо хазинадир.

Тенгдошим! Китоб дунёсига ошно бўлинг, сизни аклан етук комил инсон бўлишингизга зина-поя вазифасини ўтайди. "Мен ўзимдаги барча ижобий фазилатларни китоблардан топғанман", дейди файласуфлардан бири. Демак, биз хам ижобий фазилатларга эга бўлиш учун доимо китоблар билан дўстлашишимиз, китоб билан ҳамоҳанг бўлишимиз, юксак маънавияти, комил инсон бўлиб камолот чўқиларини эгаллашимиз лозим.

Максуда БЕКМИРЗАЕВА,  
Педагогика-психология  
йўналиши талабаси

## Сўз - табиатшунослик факультети иқтидорли талабаларига

# ҲАЁТ УЧУН «ЯРОҚСИЗ» МОДДА

XVIII асрда олимлар ҳаво таркибидаги ёнишга ёрдам бермайдиган ва нафас олиш учун яроқсиз бўлган газ мавжудлигини аниқлашган. Бу газ рангиз, таъмсиз ва хидсиз, ҳаводан озигина енгил бўлиб, эркин ҳолатда ҳавонинг 78,2 фоизини ташкил этади.

Янги кашф этилган газни француз олими А.Лавузэ томондан "азот" деб номлаш тақлиф этилган. "Азот" юнончадан тархима қилингандан ("а"-инкор, "зое"-ҳаёт) "ҳаётсиз", ҳаёт учун яроқсиз маъноларини англатади. Янги газ учун берилган ном унинг хоссаларига мосдек кўринацди. Масалан, газнинг сувда эрувчалиги жуда кам (1 литр сувда 15 мл) бўлиб, кимёвий боғланишининг мустаҳкамлиги сабабли одатдаги шароитда пассив модда, яъни лаборатория шароитда моддалар билан реакцияга киришиш қобилияти кам. Аммо тез орада "азот"нинг табиатда жуда кўп бирикмалари мавжуд эканлиги, ҳаттоқи оқсил

ва аминокислоталар таркибига кириши маълум бўлди. Ўғит сифатида ишлатиладиган селитралар таркибидаги ҳам азот мавжудлигидан унинг лотинча номи "нитрогениум"-селитра ҳосил килувчи, деган маънони англатади. Азотни кашф этган олим шотландиялик кимёгар Д.Резерфорд хисобланади. У үзининг 1772 йилда ёзган диссертациясида ёнишга ва нафас олишга ёрдам бермайдиган ҳаво тўғрисида ёзди. Резерфорд ҳам янги газга берилган ном тўғри деб хисоблаган. Демак, азотнинг мавжудлигини Д.Резерфорд 1772 йилда аниқлаган ва 1774 йилда А.Лавузэ бу элементни "азот" деб номлаб, унинг янги

элемент эканлигини исботлаган. Азот бирикмалари фан учун ва саноатнинг кўпигина тармоқлари учун ҳам катта аҳамиятга эга. Ўсимликларнинг ўсбий ривожланишида азотли бирикмаларнинг ўрни катта. Азот тўпловчи бактериалар ҳаводан азотин тўғридан тўғри ўзлашибиди ва натижада амиакли бирикмалар, нитритлар, нитратлар ҳолида тупроқда тўпланади. Азот оқсил моддалар таркибининг 14-16 фоизини ташкил этади ва организм ҳаётини жарайёнларида улкан аҳамиятга эга. Азотсиз ерда ҳаёт мавжуд бўлишини тасаввур этиш кийин, чунки утирик мавжудотларнинг асоси бўлган оқсил ва нуклеин кислоталар таркибида киради.

Азотни кашф инерт бўлишининг ҳам фойдалари томонлари катта, йўқса ҳавода кислород билан бирикар ва заҳарли азот оқсилари ҳосил бўларди. Бу эса ерда тирик организмлар

ҳаётини ўта хавфли. Металлургия саноатида котишмалар, металлар сирти емирилишга чидамили бўлиши учун азот билан тўйинтирилади. Лабораторияда кучли оқсиловчи моддалар азот атмосферасида сакланади. Со-вуткичларда суюқ азот паст температура ҳосил қилиш мақсадида ишлатилади. Бундан ташкари азот бирикмаларидан минерал ўғитлар (селитра, карбамид, суюқ амиак), сунъий толалар (нейлон, капрон), портловчи моддалар (кора порох, аммоний, тринитроцеллюз, тротил), бўёқ моддалар, дори дармонлар тайёрланади. Ҳуллас, азотнинг кўпигина бирикмалари саноат миқёсида ишлаб чиқарилади ва халқ ҳужалигининг турли соҳаларида кўлланилади.

Азотни ноҳақ камситилган ва "оқланиши" лозим бўлган модда деб айтиш мумкин. Азот азот бирикмаларнинг нечоғли аҳамиятли эканлиги ҳақида кетирилган далиллар ҳам бу фикрини тасдиклиайди.

Собир ХАМИДОВ,  
Кимё йўналиши талабаси

# Озон қатламиш


## ва инсоният

**Бугунги кунда экология билан боғлиқ бўлган энг долзарб муаммолардан бири бу атмосферадаги мавжуд бўлган озон қатламининг емирилишидир.**

Озон бу – газсимон ўзига хос ҳидли модда бўлиб, у момақалдирок, чақмок чакқандо, лаборатория шароитида ёки ултратубинаша нурларининг кислородга таъсири натижасида ҳосил бўлади.

Ер юзидан 12-50 километргача бўлган баландлиқда стратосфера қаватидаги 22-24 километр оралигига озон қатлами жойлашган.

Озон қатламини нима емирмокда? Озон қатламининг сийраклашаётгани ўтган асрнинг 70 – йилларида маълум бўлган. 80 йилларга келиб, Антрактида устида озон қатламининг 50 фоизга камайши кузатилди. Бунга фан-техника, ишлаб чиқариш ва саноат ривожланиши сабаб бўлмоқда. Яъни космик ракеталарнинг фазога учирилиши, саноат ва ишлаб чиқаришдаги турли кимёвий бирикмаларнинг атмосферага тарқалиши



кейинчалик вазиятнинг яна ҳам мураккаблашувига олиб келади.

Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ушбу нурлар бошоқли экинларнинг (буғдој, арпа, шоли) ҳамда картошка, соянинг маҳсулорлигига салбий таъсири кўрсатади, балиқ ва океан планктонларнинг яшаш шароитини ёмонлашибиди, одамларнинг тери раки касаллигига чалинишини тезлашибиди.

Америкалик мутахассисларнинг таъкидашича "Озон тўйнуги" нафакат Антарктида ва Жанубий Америкада, балки, ахоли зич яшайдиган Шимолий Америка, Осиё ва Европа осмонида ҳам пай-

натижасида юз бермокда. Масалан, зарарли ҳашоратларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар таркибидаги углеводородлар, ўт ўчириш воситалари таркибидаги галонлар, саноатдаги эритувчи восита хисобланган тетрохлоридлар, косметик воситалар ва совутгичлар таркибидаги фреонлар озон емирувчи ана шундай моддалар хисобланади. Хозирги вақтда турли саноат чинкинларининг атмосферага тўхтоворсиз чиқарилиши,

до бўлиши мумкин. Озон қатлами бузилишининг олдини олиш мақсадида 1987 йилда Монреал шаҳрида 24 та давлат вакиллари иштирокида Монреал қайдномаси имзоланди. Унда 1999 йилга келиб, барча давлатларда фреон ишлаб чиқаришини 50 фоизга камайтиришга келишиб олинди.

Бугунги кунда бутун жаҳон бўйлаб, озон қатламини химоя қилиш учун жами 196 та мамлакат ўртасида "Монреал протоколи" имзоланди. Бу шартномага асосан, мамлакатлар ўртасида озон қатламини емирувчи бирикмаларни ишлаб чиқариш ва улаодан фойлаланишига чек кўйишга келишилди. Соҳа мутахассисларининг фикрича, агар Монреал протоколи бўлмаганда, 2050 йилга бориб, атмосферада озонни емирувчи моддаларнинг микдори 10 баробарга ортади. Бунинг натижасида тери саратони билан оғриган беморлар сони 20 миллионга, куз катарақтаси билан оғриган беморлар сони эса 130 миллионга етиши мумкин эди. Монреал протоколи кабул қилингандан кейин, қатнашувчи мамлакатлар совутгичлар ишлаб чиқаришида озонга зарар етказувчи фреонлардан воз кечиш йўлуни танладилар.

Бутун дунё бўйлаб ҳар йили 16-сентябрь Ҳалқаро Ернинг озон қатламини химоя қилиши куни кенг нишонланади.

**Хабиба ШЕРАЛИЕВА,  
География ва иқтисодий  
билим асослари  
йўналиши талабаси.**

# Камолот сари

## Устозлар ҳақида сўз

Аспирантурии ўтаб, Ўзбекистон Республикаси ФА Президиуми қошидаги География бўлимида кичик илмий ходим лавозимида илмий изланишларни давом этириган устоз номзодлик диссертациясини 1980 йилда Бокуда химоя қилди ва кўпаб шогирдлар этиширига бошлади. Устознинг шогирдлари Республикаси ҳамда Ҳунарни даромади, у мазкур илмий даромади доцент, кафедра мудири, доктор ўринбосари вазифаларида самарали хизмат қилмоқда. Кафедрани 15 йил бошариш билан бир пайтда талабаларга сермазмун, таъсиришан маърузалар ўйиди, педагогик фоалиятини докторлик диссертация изланишлари билан ўйнлаштирган ҳолда олиб боради. Амалиётсиз илмни мева-

сиз дарахтга ўхшатса бўлади. Зеро ҳаётда кўлланмаган, самара бермаган илм ҳақида ижбий фикр айтиш кийин. Камол Курбонов бундай тоифалардан эмас. Унинг изланишлари асосида тузилган 40 та якъин хариталардан турли йилларда 3 томлик Ўзбекистон географик атласлари (яъни, Ўзбекистон табиий географияси-1982, Ўзбекистон иқтисодий географик атласи-1985, Тошкент географик атласи 1984, Ўзбекистон қомуси (энциклопедияси) 1-14 томлари, илмий тўпламлардаги 250дан ортиқ мақолалари, шунингдек, "Мирзачўл, Жиззах ва қарши чўллари худудлари иқтисодий – географик муаммолари ривожлантириш", "Ўзбекистонда чўлланиш ходисаси ва унга қарши кураш", "Тоғ олди ва чўллари кисмларини ўзлашибиди" номли хаммуаллифликдаги моногра-

фиялари (1980-1990) фикриз далилидир. "Жиззах вилояти иқтисодий – ижтимоий ривожланишининг географик жиҳатлари (2012)", "Жиззах вилояти қишлоқ жойлар экологик муаммолари (2012)" ва бошقا мақолалари халқаро ва Республика илмий тўпламларида чоп этилган. "Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси (2007)", "Педагогик амалиёт, ишлаб чиқариш, дала амалиётини ҳақида", "Ўрта Осиёни географ олимлар ва сарҳадларни таълим – тарбия жараёнидаги фойдаланиш" услубий кўлланмалари чоп этилди. "Кишлоқ жойларини худудий жойлашибиди" ишлаб чиқариладиги Мирзачўл, Жиззах ва қарши чўллари худудлари иқтисодий – географик муаммолари ривожлантириш монографияси (2004), "Ўзбекистонда чўлланиш ходисаси ва унга қарши кураш" номли монографиялари (хаммуал-

лифликда) хорижлик мутахассисларни ҳам кизиктиримокда. Инчинун монографиянинг ўнлаб нусхаси буюрта бўйича жаҳоннинг 20 мамлакатидаги компанияларига етказиб берилган. Жумладан, АҚШ, Германия, Франция, Англия, Япония, Италия, Хитой кутубхонларда сакланмоқда ва олий ўқув юртларидан.

Камол Курбонов кафедрага раҳбарлик қилган йилларида географияга хавасманд талабалар сони кўпайди. Республика олий ўқув юртларида 10 нафар талабаси совринли ўринларни кўлга кириди. Унинг шогирди Омонова Гулмира 2004 йилда Президент давлат стипендияси совриндори ҳамда Республика география фан олимпиадаси совриндори ҳамда Республика география фан олимпиадаси (2002-2004) бўлди. 50 йиллик илмий – педагогик фаолият.... Бу даврда ортирилган бой тажриба бу фидойи олим, устоз умр дафтарининг ўрқин саҳифаларини ҳали қанчадан-қанчада эзгу ишлар билан тўлдиражак. К.Кур-

## Биласизми?

# ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ... баланд топлар

- Химолай (Европи) – Жомолунгма чўққиси – 8848 метр.
- Анд (Жанубий Америка) – Аконкагуа – 6960 метр.
- Кордилер (Шимолий Америка) – Мак-Кинли – 6194 метр.
- Африка (Шаркий Африка пасттекислиги) – Климанхаро – 5895 метр.
- Сентинел (Антарктика) – Винсон – 5140 метр.
- Алп (Европа) – Монблан – 4807 метр.
- Австралия Алпи (Австралия) – Коссушка – 2230 метр.



## ...ба шаршаралар

- Анхел-Венесуэла-Каррао-1054 метр
- Тугела-Жанубий Африка-Тугела-850 метр
- Утигорд-Норвегия-Музилкларда-800 метр
- Монгелбек-774 метр
- Мутарази-Зимбабве-Мутарази-762 метр
- Ёсемит шаршараси-АҚШ-Ёсемит Крик-739 метр
- Эспеландс-Норвегия-Опо-703 метр
- Куи Мар водийси шаршараси-Норвегия-Мардал-655 метр
- Тессестренгене-Норвегия-Тисса-647 метр
- Куленан-Венесуела-Куленан-610 метр
- Сазерланд-Янги Зеландия-Артур-580 метр
- Келл-Норвегия-Гудванген-561 метр
- Таккау-Канада-Таккау Крик-503 метр
- Рибон-АҚШ-Рибон Стрим-491 метр
- Ююри Мар водийси шаршараси-Норвегия-Мардал-468 метр
- Гаварне-Франция-Гаварне де Ро-423 метр
- Веттис-Норвегия-Улта-370 метр
- Ханлен-Канада-Ханлен-365 метр
- Тин Майн-Австралия-Тин Майн Крик-360 метр
- Силвер Стренд-АҚШ-Силвер Стренд Крик-357 метр
- Виктория-Зимбабве-Замбези-120 метр
- Ниагара-АҚШ-Ниагара-51 метр

бонов А.Р.Беруний номидаги 22-сонни иқтидорли болалар мактабида ҳамда Жиззах вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида география ва экология фанларидан дарс берган, институт, факультет илмий кенгашилари аъзоси.

К.Курбонов Жиззах вилоятида "Зомин миллий табиат бори"да илмий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган (2005-2011). Устоз Ўзбекистон Республикаси "Халқ таълими аълочиши" медали совриндори, Ўзбекистон география жамияти президиумида илмий котиб, раис ўринбосари бўлиб ишлаган, хозирда у Ўзбекистон География жамияти Жиззах вилояти бўлими бошлиги вазифасида ишлаб келмоқда.

Институт ва факультет маъмуряти ҳамда жамоаси устоз Камолжон Курбоновни кутлуғ 75 ёши билан табриклиайди, унга саломатлик ва ишларига янгидан янги мувaffакиятлар тилайди.

**Машраб УСМОНОВ,  
География ва уни ўқитиши  
услубияти кафедраси ўқитиши**</



## СОЖИДАГА ОК ЙЎЛ ТИЛАЙМИЗ

Бу унинг порлоқ келажагидан далолат. Газетамизниг ушбу сонида Сожиданинг машқ намуналаридан «Айрилиқ» номли шеъри ва Александрия поэзияси ҳақидаги илмий мақоласини ўкувчилар ҳукмига ҳавола қиласиз.

### Айрилиқ

Тонгда сени илк бўр кўрганим,  
Ҳаёлларнинг ўғриси эдинг.  
Қуёш каби кунни ёритиб,  
Ҳисларимни сезмаган эдинг.

Ҳаётимга кириб келдингда,  
Қучогингда кўрдим ўзимни.  
Ажралмасам қанийди энди,  
Ҷўса олиб юмдим кўзимни.  
Ҳудди қушлар парвоз қиландек,  
Иш орада йўқолдинг кетдинг.

Менинг севгим самимий эди,  
Ортингга ҳам қарамай кетдинг.  
Ё бошқа гул боршиди айтгин,  
Ўртамизга ташланди ҳижрон.  
Кулишларинг ёдимидан кетмас,  
Кўз олдимидан ўтасан ҳамон.

Эллинизм поэзиясининг кўзга кўринган типик вакили Каллимахдир (тахминан 310-240 йиллар). Каллимахнинг ҳаётига доир озгина маълумотларга қараганда шоир

лардан бири бўлишга қарамай, адабий меросининг муҳим қисмлари кейинчалик йўқолиб кетган. Бирок сўнгги йилларда топилаётган папирус кўл ёзмалар шоир

лайди. Қиз олмани олиб ёзувни беихтиёр баланд овоз билан ўқиганида, унинг овози Артемидага етиб, қасами қабул бўлади. Шу воқеадан сўнг қиз билан йигит ўз юртларига қайтадилар ва узок вақт бир-бирларини кўрмайдилар. Шу орада қизнинг ота-оналари Кидиппани бошқа бир

кокилини маъбудлар олдида ичган қасамини бажо келтириб мұқаддас бир ибодатхона газири нозир қиласи. Эртаси кун Берениканинг кокилини ибодатхона мөхробидан йўқолади. Сарой мунажжими Конон маликанинг кўнглига тасалли бериш мақсадида гүё осмонда янги юлдуз пайдо бўлганини, бу эса мукаррар мъбудлар изми билан фазога кўтарилиган Берениканинг кокили эканлигини айтади. Мазкур юлдуз ҳамон «Берениканинг кокили» номи билан юритилади. Сарой шоири Каллимах шу «воке»-дан фойдаланиб маликанинг васфини қилишга ошиқади. Асар кокилнинг монологи шаклида ёзилгандир. У маликанинг бошидан айрилиб, ҳижрон дардидаги қолганини, ер юзига нур сочиб фалакда яшаганидан кўра, яна маликасига қайтиб унинг бошини безаш, хуснини баркамол қилиш орзусида эканлигини ҳикоя қиласи.

Каллимах иходида маъбудлар шанига ёзилган кўшиклар, гимнлар ҳам анчагина муҳим ўрин тутади. «Сабаблар» тўпламига кирган қиссаларнинг бизга қадар фақатина кичик-кичик парчалари етиб келган бўлса, шоирнинг олтига қўшиғи деярли тўла ҳолда сакланиб қолган.

Каллимахнинг деярли ҳамма асарлари Александрия поэзиясининг бошқа шоирлар асарларида бўлганини каби олимона иборалар билан тўлиб тошгандир. Бу ҳолат аник кўрсатадики, шоир ўз иходини бевосита юкори сарой аҳллари талабларига мослаштиргандир.

Сожида АБДУЛҲАҚИМОВА,  
Бошлангич таълим  
ва СТИ йўналиши  
талабаси

## Александрия поэзияси ҳақида

Африканинг Шимолий қирғонидаги Кирена шаҳрида туғилади. Ибтидоий маълумотни ўзининг шаҳрида олиб кейинги таҳсилни Афинада тугаллаган бўлса керак. Ҳар соҳада юксак билим ортирган Каллимахни Миср подшохи Птолемеи чақиртириб, Александрия музейи қошидаги кутубхонага бошлиқ қилиб тайинлайди. Бу ахвол Каллимахнинг сарой доираларига яқинлашувига ва мартабасининг ортишига кенг йўл очади. Унинг ўзи ҳам умрбод Миср сultonларининг салтанатини кўйловчи сарой шоирига айланади.

Каллимах ниҳоятда сермаҳсул ёзувчи бўлган: қадимгилар бу шоирнинг саккиз юздан ортиқ илмий ва бадиий асарлар ёзганлиги ҳақида маълумот берадилар. Шу асарлар орасида «Жадваллар» деб аталган йирик библиографик қўлланма амалий ва назарий манба бўлиб хизмат қилган. Каллимах эллинизм замонасида кенг шуҳрат ёйган соҳибқалам-

ижодининг хусусиятларини тўла-роқ аниқлаш имкониятини беради.

Каллимах шеъриятнинг жуда кўп жанрларидаги ижод қилган шоирдир. Унинг довруғи ни эллинизм оламига биринчи марта кенг тарқатган асар – «Сабаблар» тўплами бўлган. Тўрт жилдан иборат бу тўпламдаги кичик-кичик қиссаларда шоир турли-туман байрам ва удумларнинг келиб чиқиши, шаҳарлар ва ибодатхоналарнинг барпо этилиши ҳақидаги ривоятларни ҳикоя қиласи. Тўпламдаги асарлар орасида «Аконтий ва Кидиппа» қиссаси қадимгиларни кўпроқ мафтун этган. Аконтий деган гўзал бир йигит маъбуда Артемида байрамида Кидиппа деган соҳибжамон кизни учратиб, унга ошиқ бўлиб қолади. Қиз билан йигит бошқа бошқа жамоанинг кишилари бўлганликлари учун таомилга кўра, уларни бир-бирларига никоҳлаш мумкин эмас эди. Шу сабабли Аконтий ҳийла ишлатишга мажбур бўлади. У битта олмага «Артемида номига қасамёд этиб айтаманки, албатта Аконтийга тегаман» деган сўзни ёздида, билдирилмасдан Кидиппаннинг ёғи остига таш-

йигитга унаштирадилар. Бироқ никоҳ арафасида келинчак бехосдан қаттиқ оғриб қолади, ота-оналари тўйни орқага суришга мажбур бўладилар. Қиз тузалгач яна тўй тараддуни бошланади. Аммо бу сафар олдингидан ҳам оғироқ аҳвол тақрорлангач қизнинг отаси ташвишланиб, Дельфа коҳинларига мурожаат қилганида, улар бу синоатларнинг ҳаммаси қасадан қайтган қизга мъбудлар томонидан юборилган оғнат эканлигини айтадилар. Маъбудларнинг измини бузишдан қўрқкан ота шундан сўнг қизини Аконтийга беради.

«Сабаблар» тўпламига кирган қиссалар орасида баъзан истибод тузумига чукур садоқат руҳи билан суборилган асарларни ҳам учратамиз. Бу жиҳатдан «Берениканинг кокили» деган поэма жуда характеридир. Бу асар яқин йилларга қадар фақат Рим шоири Катуллар таржимасининг асл нусхага жуда яқин эканлигини кўрсатади. Позманинг ёзилиш тархи ҳам жуда қизиқ. Птолемей III Эънергет Миср таҳтига ўтирганидан кейин сал вақт ўтар-ўтмас ёш хотини Берениканинг қолдириб урушга жўнайди. Фаму андух чекиб ёлғиз қолган малика уруш музafferият билан тугаб, эри эсон-омон қайтиб келса ўз

## Ҳамشاҳримиз асарлари Москвада намойиш этилди

Мустакил давлатлар Ҳамдўстлигининг Москва шаҳридаги ижроия қўмитасида Узбекистон Республикаси Бадиий академияси аъзоси, ҳамшаҳримиз Ботир Зокиржоновнинг яратган асарлари кўргазмаси очилди. Унда мўйдалам устасининг 30 дан зиёд асарлари намойиш этилди. Кўргазмада намойиш этилган расмларнинг аксарият кисмидаги Жиззах воҳасининг табиати ва она дийрнинг мафтункор гўшалари акс этган.

Муқаддам Ботир Зокиржоновнинг турли жаҳрдаги иходий ишлари бир неча бор Ҳалқаро кўргазмаларда намойиш этилган. Москва шаҳрида ҳамшаҳримиз иходига багишланган расмлар кўргазмасининг очилишида Мустакил давлатлар Ҳамдўст-

лиги ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедев иштирок этиб, бадиий адабиёт, мусика, тасвирий санъат соҳасида ҳамкорликни кучайтириш, хусусан, ўзбек рассомлари томонидан яратилган асарларга ўта хурмат ва эътибор билан қараш

ҳақида гапирди.

Ҳамшаҳримиз кўргазмасининг очилишида Узбекистоннинг Москвадаги элчинонинг дипломатик корпуси вакиллари ҳам иштирок этишди. 2013 йилнинг 17 февралидаги Ботир Зокиржоновнинг қаламига мансуб расмлар кўргазмаси Мустакил давлатлар Ҳамдўстлиги ижроия қўмитаси қарорига биноан Беларусь давлатининг пойтахти Минск шаҳрида бўлиб ўтади.

М. ИКРОМОВ

### Зиё чашмаси

МУАССИС:  
Абдулла Қодирий номидаги  
Жиззах давлат педагогика  
институти

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга кайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуткази назаридан фарқланиши мумкин.

### Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишига топширилган вақти — 19.00 Топширилди — 18.00 Навбатчи: К. Нуғонова.

Манзил:  
Ш. Рашидов шоҳ кўчаси,  
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти.

Офсет усулида 6250 нусхада босилди.  
Буюртма № Shaki-A-3.

«Jizzax-Print»  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxona manzili:  
Jizzax shahri, 130100.  
Sayilijoy ko'chasi,  
4-uy.

## ДОНОЛАР ТАРБИЯ ХАҚИДА

Тарбия-буюк иш: тарбия билан инсон қисмати ҳам этилади.

В. БЕЛИНСКИЙ

Ўқиши-тарбия деб аталаувчи гулнинг фақат биргина гулбарги холос

В. СУКОМЛИНСКИЙ

Ўқитиши иккни баробар ўқиши демакадир

Ж. ЖУБЕР

Инсон тарбиясининг бош ўчишишондир

К. УШИНСКИЙ

Ҳалқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир

Ж. ДАНТОН

Ўз шогирдларидан меҳнатдан забъданни хиссани ўйнота билган шуаллиши шарафга лоий

Э. ХАББАРД

Китоблар кексаликда энг яхши дўст, айни пайтда ёшлихининг энг азиз раҳнамосидир

С. СМАЙЛС

Китоблар жонсиз, аммо содиқ дўстлардир

В. ГЮГО

Ҳаётда ўеч нарса манақатли меҳнатсан қўлга киришишади

Гораций

**Устоз отангдай улуғ**



«1-октябрь Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» муносабати билан «Устозлар-юртнинг энг азиз, энг улуғ ва мўтабар кишиларидандир» мавзусида профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштироқида таъбир ўтказили.

Институт ўкув ишлари проектори, проф. Н. Алимов кириш сўзида йигилганларни ушбу байрам билан табриклаб, дехқонларимиз пешона тери эвазига етиштирилган пахтани неснобуд қўлмасдан йигиштиришга бел болаган профессор-ўқитувчилар ва талабаларни вилятимиз пахта хирмонига муносаби хисса қўшишига даъват этди.

Шундан сўнг институт хотин-қизлар қўмитаси раиси З. Абдувалиева, «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти етакчиси А. Хўжаназаров сўзга чиқиб устоз ва мураббийларни улуғлаш, бу улуғ касбни шарафлаш ҳақида гапирдилар.

Тадбир сўнгидаги институт раҳбарияти томонидан профессор-ўқитувчиларга эсадлик совғалари топширилди ва бадиий кисм намойиш этилди.

Б. КУДРАТОВ